

А Ж Р И М

/Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини озодликни чеклаш
жазосига алмаштириш тўғрисида/

2023 йил февраль 03 куни жиноят ишлари бўйича Когон туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, суд раиси Қ.Холовнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Солиеванинг котибалигида, Когон туман прокурори ёрдамчиси Ш.Набиев ва Когон туман ИИБ ЖХХ Пробатсия гуруҳи катта инспектори К.Собиров, маҳкум Б.Дилмуродовнинг иштирокида, маҳкум Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғлига тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан бошқа жазо турига алмаштириш тўғрисидаги Когон туман ИИБнинг тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғли 1990 йил 20 апрель куни Шофиркон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали икки нафар фарзанди бор, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади, муқаддам судланмаган, Когон туман “Ҳукуматобод” МФЙ Сабиён қишлоғида яшайди.,

Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғли 14.07.2022 йилда Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган.

Тақдимномада маҳкум Б.Дилмуродовга нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан оғирроқ жазо тури билан алмаштириш масаласи қўйилган.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, Когон туман прокурори ёрдамчиси Ш.Набиев, Пробатсия гуруҳи катта инспектори Когон туман ИИБнинг тақдимномасини қаноатлантириш ҳақидаги фикрини эшитиб, қуйидагиларга асосан келтирилган тақдимномани қаноатлантиришни лозим топди.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, маҳкум Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғли Когон туман ИИБ Пробатсия гуруҳида 2022 йил 10 ноябрь кунида ҳисобга олинган бўлиб, маҳкум Б.Дилмуродовга ЖИБ Когон шаҳар суди ҳукмида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилиб, расмий огоҳлантирилиб, тилхат олинган ҳамда жазони ўташдан бўйин товласа, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси оғирроқ жазо тури билан алмаштирилиши тўғрисида огоҳлантирилган ва профилактик суҳбат ўтказилган, ишга жойлашиши учун 07.10.2022 йилда № 28/4-190-сонли ва 05.01.2023 йилда № 28/4-1-сонли чиқиш рақамлари билан Когон туман Аҳолини бандлигига кўмаклашиш марказига йўлланма хатлари берилган бўлиб, 20.10.2022 йилда Когон туман Аҳолини бандлигига кўмаклашиш марказининг № 15/07-01/03-363-сонли ва 12.01.2023 йилдаги № 15/07-01/03-08-сонли жавоб хатларида маҳкум Маҳкум Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғлига тумандаги мавжуд бўш иш ўринлари таклиф қилинганда унинг ишлаш истаги йўқлигини билдирганлиги тўғрисида маълум қилинганлиги аниқланган.

Юқорида баён қилинганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси 423, 539, 541- 542-моддаларини қўллаб, суд,



А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Когон туман ИИБнинг Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғлига нисбатан жазо турини ўзгартириш тўғрисидаги такдимномаси қаноатлантирилсин.

Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасига асосан унинг ўталмай қолган 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, шу муддатга озодликни чеклаш жазосига алмаштирилсин.

Дилмуродов Бурхониддин Бахтиер ўғли зиммасига қуйидаги таъқиқ (чеклаш)лар юклатилсин:

- Сутканинг кеч соат 22-00 дан эрталаб соат 07-00 гача яшаш жойидан чиқиб кетиш таъқиқлансин.

- Алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

- Ҳар ойи бир мартаба Когон туман ИИБ ЖХХ Пробатсия гуруҳидан рўйхатдан ўтиш;

- Когон туман ИИБ ЖХХ Пробатсия гуруҳининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Бухоро вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати ажрим жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримнинг ижроси Когон туман ИИБ ЖХХ Пробатсия гуруҳи зиммасига юклатилсин ва манфаатдор шахсларга маълумот учун юборилсин.

Ажримнинг ижроси тўғрисида жиноят ишлари бўйича Когон туман судига ёзма равишда маълумот берилсин.

Ажримдан норози томон, ажрим эълон қилинган кундан эътиборан 20 кунлик муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди апелляция инстанцияси судлов хайъатига жиноят ишлари бўйича Когон туман суди орқали хусусий шикоят ёки хусусий протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

Қ.И.Холов



Ҳужжат имзоланган: Холов Қосим Исмаатович, 03.02.2023

